



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 1 » noyabr

№ 630

Toshkent sh.

### **Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

“Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ:

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш тўғрисидаги **намунавий низомни тасдиқлаш**;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг **касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартибини** белгилаш;

идоразий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари томонидан **шахсий қўриқдан ўтказиш**, ашёлар, қўл юки, багаж ва транспорт воситаларини **кўздан кечириш қоидаларини** белгилаш;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг ўз мажбуриятларини бажаришига **тўсқинлик қиласиган касалликлар ва жисмоний нуқсанлар рўйхатини** тасдиқлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи:

a) **Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага** мувофиқ:

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари **вазифалари**;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларини ташкил этиш, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчилари **лавозимларига номзодларга қўйиладиган талаблар**;

**идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш;**

**идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг молиявий ва моддий-техник таъминоти;**

**б) Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:**

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг касбий тайёргарлик машғулотлари бўйича вазифалари;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг касбий тайёргарлик машғулотларини режалаштириш ва ташкил этиш, шунингдек, ташкил этишга масъул шахсларга қўйиладиган талаблар;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг касбий тайёргарлик якунлари бўйича синовлар қабул қилиш тартиби;

**в) Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари томонидан шахсий қўриқдан ўтказиш, ашёлар, қўл юки, багаж ва транспорт воситаларини кўздан кечириш қоидалари 3-иловага мувофиқ:**

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари томонидан объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларни шахсий қўриқдан ўтказиш тартиби;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари томонидан ашёлар, қўл юки, багаж ва транспорт воситаларини кўздан кечириш тартиби;

ашёлар, қўл юки, багаж ва транспорт воситаларини кўздан кечириш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

махсус юклар, махсус почта ва соқчилар назорати остидаги шахсларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларни, ҳарбий хизматчилар, мерган спортчилар, овчилар, геологлар, курол сақлаш ва ташиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларнинг ашёларини кўздан кечириш тартиби;

**г) Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “Г” ноябрдаги 630-сон қарорига  
1-илова

## **Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Намунавий низом Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг (кейинги ўринларда – қўриқлаш бўлинмалари) вазифалари ва уларни ташкил этиш тартиби, қўриқлаш бўлинмаларнинг ишчи ва хизматчилари лавозимларига номзодларга кўйиладиган талаблар, ишчилар ва хизматчиларнинг хуқуqlари, мажбуриятлари ва ижтимоий ҳимояси, шунингдек, қўриқлаш бўлинмаларининг молиявий ва моддий-техник таъминотини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар қўриқлаш бўлинмаларининг вазифалари ҳисобланади:  
жисмоний шахслар ҳаётини ва соғлигини тажовузлардан ҳимоя қилиш;  
объектларни қўриқлаш ва тажовузлардан ҳимоя қилиш;  
қўриқланадиган объектларда назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш;

қўриқланадиган объектлар ҳудудида жамоат тартибини таъминлаш, хукуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш;

қўриқланадиган объектлардаги мол-мулкни қўриқлаш ва кузатиб бориш;

қўриқланадиган объектларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этиш;

қўриқлашнинг илғор муҳандислик ва техник воситалари ҳамда усулларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш;

қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг жанговар ҳамда хизмат тайёргарлигини юқори даражада таъминлаш ва сақлаш;

объектлар ва мол-мулкни қўпорувчилик-террорчилик ҳаракатлари содир этилишидан, ёқиши, ўғирлаш ва бошқа жиноий тажовузлардан ишончли қўриқлашни ташкил этиш масалалари бўйича хукуқни мухофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

Қўриқлаш бўлинмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

### **2-боб. Қўриқлаш бўлинмаларини ташкил этиш**

3. Қўриқлаш бўлинмалари Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатга мувофиқ давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда (кейинги ўринларда – тегишли ташкилотлар) ташкил этилади.

Кўриқлаш бўлинмаларининг тузилмаси, ишчи ва хизматчилари сонининг нормаси ва кўриқлаш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тегишли ташкилотларнинг ушбу Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқиладиган ҳужжатлари билан белгиланади.

4. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари томонидан хизматни ўташни ташкил этиш ва хизмат ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Гарнizon ва қоровуллик хизматлари низоми асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (кейинги ўринлар – Миллий гвардия) билан келишилган ҳолда, ўз тизимида кўриқлаш бўлинмалари бўлган тегишли ташкилотлар тасдиқлаган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

5. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тегишли ташкилотлар томонидан Миллий гвардия билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда фарқловчи белгилари бўлган формали кийим-бош кийиб юриш хукуқига эга.

Кўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларига тегишли ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда хизмат гувоҳномалари берилади.

6. Кўриқлаш бўлинмалари ўзларига юкланган вазифаларни бажариш учун хизмат (кўриқчи) итларидан фойдаланиши мумкин.

Хизмат (кўриқчи) итлари хизматда фойдаланишга яроқли деб топилган бўлиши ва уларнинг ветеринар паспорти бўлиши керак.

### **3-боб. Кўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчилари лавозимларига номзодларга қўйиладиган талаблар**

7. Кўриқлаш бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида контракт бўйича ҳарбий хизматни, муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чакируви резервиде хизматни ўтаган фуқаролар олинади (бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар бундан мустасно).

8. Куйидагилар кўриқлаш бўлинмаларига иш (хизмат)га қабул қилинмайди:

қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

жиноий жазони ўтаётган шахслар;

мулкка тажовуз қилувчи хукуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган, шунингдек, жамоат тартибига ёки бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи хукуқбузарликларни содир этганлик учун бир йил ичида такроран маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар;

рухий касалликлари бўлган, наркологик касалликларга чалинган, шунингдек, соғлиғи бўйича тегишли ташкилотлар томонидан белгиланган талабларга жавоб бермайдиган шахслар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

умумий ўрта ёки ўрта маҳсус маълумотга эга бўлмаган шахслар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Кўриқлаш бўлинмаларига ишга (хизматга) кириш учун номзодларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ қўшимча талаблар қўйилиши мумкин.

9. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари маҳсус ўқув дастурлари бўйича касбий тайёргарликдан ўтади.

Касбий тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказиладиган вақт иш вақтига киритилади.

#### **4-боб. Кўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

10. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари ўз вазифаларини бажаришда қуидаги хукуқларга эга:

кўриқланадиган обьектга келган ва унинг ҳудудида турган шахслардан назорат-ўтказиш ва обьектнинг ички режимларига, шунингдек, жамоат тартибига риоя этишини талаб қилиш;

кўриқланадиган обьект ҳудудидан мол-мулкни қонунга хилоф равища олиб чиқишига ёки кўриқланадиган обьектга тақиқланган предметларни олиб киришга уриниш чоғида шахсларни ушлаш;

шахсини тасдиқлайдиган ва кўриқланадиган обьектга кириш (чиқиши) ва унда бўлиш, шунингдек, транспорт воситаларининг кириши (чиқиши), мол-мулкни кўриқланадиган обьектларга олиб кириш (олиб чиқиши) хуқуқини берадиган ҳужжатларни текшириш;

кўриқланадиган обьектлардаги мол-мулкни сақлаш шароитларини, кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳолатини ҳамда созлигини текшириш, аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларнинг бартараф этилишини тегишли ташкилотларнинг масъул ходимларидан талаб қилиш;

объектларни кўриқлаш ва мол-мулк сақланиши, назорат-ўтказиш ва обьект ички режими қоидалари бузилиши аниқланган тақдирда, уларга барҳам бериш ва уларга кўмаклашадиган шарт-шароитларни тутатиш чора-тадбирларини кўриш;

фуқаролар ва мансабдор шахслардан хизмат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилувчи хукуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, хукуққа зид хатти-ҳаракатлар, хукуқбузарликларга барҳам бериш юзасидан қонунчиликда назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш;

кўриқланадиган обьектдаги, патруллик йўналишидаги ҳодисани, содир этилган хукуқбузарликни белгиланган тартибда расмийлаштириш, жиноят изларини сақлаш мақсадида фуқаролардан ҳодиса жойини тарқ этишини талаб қилиш;

кўриқланадиган обьектга қонунга хилоф равища кирган ёки кўриқланадиган обьектда хукуқбузарлик содир этган шахсларнинг шахсини аниқлаш, уларни ушлаш ҳамда кўриқлаш хизмати хонасига етказиш;

муомалада бўлиши чекланган моддалар, шу жумладан, объектга олиб кириш (ундан олиб чиқиш) учун тақиқланган предметлар рўйхатига кўриқланадиган обьект маъмурияти томонидан киритилган моддалар бор деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, фуқароларни шахсий кўриқдан ўтказиш, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини кўздан кечириш ҳамда уларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур предметлар, воситалар ва моддаларни олиб қўйиш, шунингдек, транспорт воситаларини кўздан кечириш, уларда ташилаётган юкларнинг илова қилинадиган хужжатларга мувофиқлигини текшириш;

қонунчиликда назарда тутилган тартибда хизмат қуролини ҳамда маҳсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, жисмоний куч ишлатиш.

Кўриқлаш бўлинмаларининг ноқулай меҳнат шароитларига эга бўлган обьектларда хизмат ўтайдиган ишчи ва хизматчилари ушбу обьектларнинг ходимлари учун назарда тутилган меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатлардан фойдаланади. Меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатлар кўриқлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномада акс эттирилади.

Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари қонунчиликда назарда тутилган бошқа хукуқлардан ҳам фойдаланиш хукуқига эга.

11. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари кўриқлаш тури, шакллари, усулларидан қатъи назар, хизматни ўташ вақтида қуидагиларга мажбур:

кўриқланадиган обьектларни ҳимоя қилиш, белгиланган тартибга ва кўриқлаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъи риоя этиш, кўриқланадиган обьектни кузатиб бориш;

кўриқланадиган обьектга тажовуз қилган шахсларга нисбатан айни ҳолатда лозим бўлган эҳтиёт чораларини қўллаган ҳолда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳаракатларни амалга ошириш;

кўриқлананаётган мол-мулкнинг ўғирланиши ёки бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хўжасизлик ва бепарволик намоён бўлишининг ҳар қандай кўринишига нисбатан ўз вақтида чоралар кўриш;

ходиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек, ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиш ёки шундай ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

хизматни ўташ жойларида жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш;

ўз ваколатлари доирасида жисмоний шахслар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини, шунингдек, юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш учун зарур чоралар кўриш;

кўриқланадиган обьектда хукуқбузарликлар ва ҳодисаларнинг излари сақланишини таъминлаш;

кўриқланадиган обьектлардаги табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этиш;

кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзларига маълум бўлган хизматга доир ахборотнинг ва бошқа ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

кўриқланадиган обьектда назорат-ўтказиш ва обьектнинг ички режимларига риоя этилишини кўриқланадиган обьект маъмурияти томонидан кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан келишувга кўра тасдиқланган қоидаларга мувофиқ таъминлаш;

кўриқланадиган обьектлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этишда ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиш;

ўзига ишониб топширилган хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари, маҳсус ва техник воситалар, шахсий ҳимоя воситалари ҳамда мол-мулкнинг хавфсиз ва лозим даражада сақланишини таъминлаш;

ўзларига юклangan вазифаларни бажаришга ҳалол ва вижданан муносабатда бўлиш, интизомли бўлиш, ўз касбий билимларини доимо ошириб бориш;

тегишли маҳсус ўкув дастурлари бўйича касбий тайёргарлик даражасини таъминлаш;

белгилangan тартибда маҳсус формали кийим-бошини кийиш ва фарқловчи белгиларини тақиб юриш.

Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчиларининг зиммасига қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

12. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари бир йилда камида бир марта иш берувчининг ҳисобидан мажбурий тиббий кўриқдан ўтади.

Мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортган кўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчилари иш берувчининг қарорига асосан мажбурий тиббий кўриқдан ўтиб бўлгунига қадар ишдан четлаштирилади.

Тиббий кўриқ натижалари бўйича хизматга яроқсиз деб топилган кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари билан тузилган меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилинади.

13. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчиларининг ноқонуний хатти-харакатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик хужжатларида белгилangan тартибда шикоят қилиниши мумкин.

14. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчиларининг жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш тартиби “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

## **5-боб. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси**

15. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчиларига тегишли жамоавий шартномалар ҳамда битимларда назарда тутилган қоидалар ва имтиёзлар жорий этилади.

16. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари меҳнат фаолияти давомидаги бахтсиз ҳодисалар ва касбий касалликларидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мажбурий ижтимоий сугуртаси қилиниши лозим.

17. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари хизмат вазифаларини бажариш чоғида жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда, етказилган заарар тегишли жамоа шартномалари ва жамоа келишувларига мувофиқ амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган нормалардан кам бўлмаган тартибда қопланади.

## **6-боб. Кўриқлаш бўлинмаларининг молиявий ва моддий-техник таъминоти**

18. Кўриқлаш бўлинмаларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш қўриқлаш бўлинмаларини ташкил этган тегишли ташкилотлар маблағлари хисобидан амалга оширилади.

19. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни формали кийим-бош ва маҳсус воситалар билан таъминлаш қўриқлаш бўлинмаларини ташкил этган тегишли ташкилотлар томонидан белгиланадиган нормаларга мувофиқ амалга оширилади.

20. Кўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари фаолияти тегишли ташкилотлар, шунингдек, Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида назорат қилинади.

## **8-боб. Якунловчи қоидалар**

21. Кўриқлаш бўлинмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилади ва тутатилади.

22. Ушбу Намунавий низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “1” ноябрдаги630-сон қарорига  
2-илова

**Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари  
ишчиларининг ва хизматчиларининг касбий тайёргарлигини амалга  
ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг (кейинги ўринларда – ишчи ва хизматчилар) касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ишчи ва хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариши учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларни оширишга, чидамлилик ва эпчилликни таъминлашга қаратилган хизматжанговар, ижтимоий-хукуқий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўз ичига олади.

3. Зарур билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, етарли даражада такомиллаштириб бориш ҳамда жанговар, жисмоний ва ахлоқий-руҳий етукликка эришишга интилиш ҳар бир ишчи ва хизматчининг хизмат бурчидир.

4. Ишчи ва хизматчилар билан касбий тайёргарлик машғулотларини амалга ошириш мақсади ва вазифалари қуидагилардан иборат:

ишчи ва хизматчиларнинг касбий тайёргарликдаги масъулият ҳиссини ва маҳоратини доимий равишда такомиллаштириб бориш;

ишчилар ва хизматчиларга обьектларни қўриқлашни ташкил этишнинг норматив-хукуқий асосларини ўргатиш, уларнинг амалий кўникма ҳамда малакаларини ошириш;

ишчи ва хизматчиларга касбий-этика қоидаларига асосланиб, қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш давомида турли хил вазиятларда ўзини тутишни, фуқаролар билан муомала қилиш маданиятини ва ахлоқий-руҳий ҳолатини назорат қилишни ўргатиш;

қўриқланадиган обьектларнинг ўзига хослиги ва хусусиятларини ўргатиш;

ишчи ва хизматчилар орасидан бошқарувчанлик қобилиятига эгаларини саралаб, уларга қўриқлаш фаолияти жараёнида бошқарувни амалга оширишни ўргатиш;

ишчи ва хизматчиларни мустақил ҳамда гуруҳ таркибида ўз хизмат вазифаларини бажаришга, жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни қўллаш, хизмат қуролидан моҳирона фойдаланиш талабларини ўргатиш;

қўриқланадиган обьектлар ҳудудида жамоат тартибини таъминлаш, хукуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича доимий амалий машғулотларни ташкил этиш;

қўриқланадиган обьектларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этишни ҳамда қўриқлашнинг илғор муҳандислик, техник воситалари ва усулларини жорий этишни, улардан фойдаланишни ўргатиш;

ишчи ва хизматчиларнинг турли ҳолатларда моҳирона ҳамда самарали ҳаракатланиши, қурол ва маҳсус воситаларни жанговар шай ҳолатда сақлаши бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш;

ишчи ва хизматчиларга қўриқланадиган обьектларни тажовузлардан ҳамда обьектдаги жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишни ўргатиш;

ишчи ва хизматчиларда юқори руҳий барқарорлик, жасоратлилик, қатъиятлилик, жисмоний чидамлилик ва эпчиллик, зукколик, оғир шароитларда жисмоний ва ахлоқий-руҳий зўриқишига бардош бериш қобилиятини шакллантириш, зийраклик, ҳушёрлик, хотира, тафаккур ва қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган бошқа ақлий-хиссий кўникмаларини ривожлантириш.

5. Ишчи ва хизматчилар касбий тайёргарлик машғулотлари билан тўлиқ қамраб олинади. Хизматда, меҳнат таътилида бўлганлар, касаллик варақаси бўйича ишда бўлмаганлар ёки бошқа узрли сабаблар билан қатнашмаганлар учун кўшимча машғулотлар ташкил этилади.

## **2-боб. Касбий тайёргарликни режалаштириш ва ташкил этиш**

6. Касбий тайёргарлик машғулотлари икки ўкув босқичида ўтказилади:  
биринчи ўкув босқичи январь-май ойларида;  
иккинчи ўкув босқичи июль-ноябрь ойларида.

Июнь ва декабрь ойи янги ўкув босқичига тайёргарлик ойлари ҳисобланади.

7. Касбий тайёргарлик машғулотлари назарий, амалий, мустақил тайёргарлик ва синовларни қабул қилиш каби ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилади.

Касбий тайёргарликни амалга оширишда ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланилади.

8. Касбий тайёргарлик бўйича ишчи ва хизматчиларнинг хизмат-жанговар, ижтимоий-хукуқий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний тайёргарлик машғулотларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондони томонидан белгиланади.

9. Касбий тайёргарлик машғулотлари таркибида идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари бўлган давлат бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки бошқа ташкилотлар раҳбарининг буйруғи (фармойиши) асосида ташкил этилади ва ушбу буйруқда (фармойишда) машғулотларни ташкил этиш учун масъуллар, тайёргарлик машғулотларни ташкил этиш куни, жойи, вақти, ким томонидан ўтказилиши белгиланади.

10. Касбий тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш учун масъул этиб белгиланган мутахассисларнинг вазифалари:

ўқув жараёнини режалаштириш ва ишлаб чиқишида қўл остидаги ишчи ва хизматчиларга вазифаларни тақсимлаб бериш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ўқув жараёнини ташкил этиш учун маълумотлар ва маъruzалар ресурсларини шакллантириш ҳамда янгилаб бориш;

машғулотлар гурухлар таркибида ва маҳсус тактик машқлар ўқув режалари ҳамда дастурларига асосан ўтказилиб, ўқув гурух журналарини тўғри юритилишини назорат қилиш;

ўқув-моддий базани яхшилаш ва талаб даражасида сақлаб туришга раҳбарлик қилиш;

машғулотларни ўтказишида хавфсизлик қоидалари ҳамда талабларининг бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

### **3-боб. Касбий тайёргарлик якуnlари бўйича синов имтиҳонларини ўтказиш тартиби**

11. Ишчи ва хизматчилар касбий тайёргарлик якуnlари бўйича синов имтиҳонларидан (кейинги ўринларда – синов) ўтказилади. Синов касбий тайёргарлик машғулотларининг иккинчи ўқув босқичи якунида ўтказилади.

Синовни ўтказиш ва баҳолаш таркибида идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари бўлган давлат бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки бошқа ташкилот раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан амалга оширади.

12. Синов қўйидаги йўналишларда ва кетма-кетлиқда ўтказилади:

а) амалий синовлар:

жисмоний тайёргарлик бўйича (эркаклар учун тўсинда тортилиш, аёллар учун куч ишлатиш машқлари, белгиланган масофаларга югуриш);

жанговар тайёргарлик бўйича хизмат қуролидан ўқ отиш машғулоти бажарилади (хизмат қуроли бириктирилмаган ишчилар ва хизматчилар бундан мустасно);

б) назарий синовлар – қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш, ижтимоий-хукуқий, ахлоқий-руҳий, жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш шартлари, шахсий қўриқдан ўтказишни, ашёлар, қўл юки, багаж ва транспорт воситаларини қўздан кечириш қоидаларини ва ҳукуқбузарлик содир этган шахсни ушлаш ва қўлга олиш бўйича ўқув босқичида ўтилган назарий билимларни тест топшириш орқали аниқлаш.

13. Амалий синовлар бўйича меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмонидони томонидан белгиланади. Амалий синовларни муваффақиятли топширганлар (“қониқарли”, “яхши” ва “аъло” баҳолангандар) назарий синовига киришига рухсат берилади.

14. Назарий синовлар тест саволлар тўплами асосида ўтказилади. Тест саволлари ўқув йили давомида ўтказилган машғулотлар мавзуларидан келиб чиқкан ҳолда, ўз хизмат йўналишлари бўйича ишлаб чиқилади.

15. Тест саволларининг матни “Times New Roman” шрифтида Microsoft Word матн редакторида қўйидаги тартибда кетма-кетликда тайёрланади:

саволлар кетма-кетликни билдирувчи рақамлар (“1.”, “2.”, “3.” ва ҳоказо) билан белгиланади;

жавоб вариантларининг ҳар бири янги хатбошидан бошланади ва камида учта бўлади, ҳарфлар (“А”, “Б”, “В”) ва бошқалар) билан белгиланади, жавобларнинг биттаси тўғри бўлади.

16. Тест саволлари комиссия томонидан текширилади, тўғри жавобнинг хатбошида “\*” белгиси кўрсатилади ва зарур ҳолатларда ўзгартиришлар киритилиб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан сўнг тест базасига киритилади.

17. Ишчи ва хизматчилардан қабул қилинадиган касбий тайёргарлик бўйича назарий синовлар тести 50 та саволдан иборат бўлиб, уларни ечиш учун 60 дақиқа вақт ажратилади.

18. Назарий синовлар тест саволлари тўплами учта йўналишдан иборат: қўриқлаш фаолияти йўналиши бўйича (20 та савол);

ижтимоий-хукуқий ҳамда ахлоқий-руҳий йўналиш бўйича (15 та савол);

жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш шартлари бўйича (15 та савол).

19. Назарий синовлар тестларини баҳолашда ҳар бир тўғри топилган жавоб учун 2 балл берилади ва қўйидагича баҳоланади:

“аъло” баҳо – 43 тадан 50 тагача тўғри жавоб (86,0 баллдан 100 баллгача);

“яхши” баҳо – 36 тадан 42 тагача тўғри жавоб (72,0 баллдан 84,0 баллгача);

“қониқарли” баҳо – 28 тадан 35 тагача тўғри жавоб (56,0 баллдан 70,0 баллгача);

“қониқарсиз” баҳо – 27 тагача тўғри жавоб (54,0 баллгача).

20. Назарий синовларни топширадиган ишчи ва хизматчилар кундалик хизмат кийимида бўлади, уларга ёрдамчи маълумотлардан (шпаргалка, уяли алоқа ва бошқа воситалар) фойдаланиш, тест китобчасини синов олинаётган хонадан олиб чиқиб кетиш қатъиян ман этилади. Синов олиш жараёнида белгиланган тартиб ва хизмат интизомига тўлиқ риоя этилиши лозим.

21. Назарий синовлар компьютер техника воситалари ва видеокузатув орқали тўғридан-тўғри онлайн трансляция қилиш воситалари билан жиҳозланган маҳсус хоналарда ёки бундай маҳсус хоналар мавжуд бўлмаса, ёзма равища қабул қилинади.

Назарий синовларни қабул қилишдан олдин ишчи ва хизматчиларга комиссия томонидан берилган кўрсатмани (тизимга кириш, тест саволларини танлаш ва улар билан ишлаш тартиби) аниқ тушунтирилади.

Агарда, ишчи ва хизматчи компьютерда ишлаш жараёнида хатога йўл кўйса, синовни қайта топширишга рухсат берилмайди ва унинг баҳоси “қониқарсиз” деб баҳоланади.

Ишчи ва хизматчига назарий синовни қайта топширишга компьютерда ёки электр тармоқда техник сабабларга кўра носозликлар пайдо бўлганда рухсат берилади.

22. Амалий ва назарий синовлар жараёнлари видео тасвирга тушириб борилади ҳамда бир йил давомида сақланади.

23. Ўтказилган синов натижалари бўйича комиссия томонидан баённома расмийлаштирилиб, имзоланади ва белгиланган тартибда сақланади.

24. Узрли сабабларга кўра (таътил, хизмат сафари, меҳнатга вақтинча лаёқатсиз бўлган давр) ўқув босқичи якуни бўйича ўтказилган синовда қатнаша олмаган ишчи ва хизматчилар учун қўшимча равища синовлар ўтказилади.

Ўқув босқичи даврлари ўртасида иш (хизмат)га қабул қилинган ишчи ва хизматчилар учун иш (хизмат)га қабул қилинган йилда белгиланган синов ўтказилмайди.

25. Синовдан ўта олмаган ишчи ва хизматчиларга бевосита бошлигининг тавсиясига мувофиқ мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган синовларни бир маротаба қайтадан топширишга рухсат берилади.

26. Синов натижалари бўйича ва қайта топширишда қониқарсиз баҳоланган ишчи ва хизматчилар малакаси етарли эмас деб ҳисобланиб, навбатдан ташқари касбий яроқлилигини аниқлаш мақсадида даврий текширувлардан ўтиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси минтақавий ўқув марказларининг маҳсус ўқув курсларида ўз маблағлари ҳисобидан ўқига юборилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор деб топилган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “I” ноябрдаги 630-сон қарорига  
3-илова

**Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий  
коровуллик бўлинмаларининг ишчи ва хизматчилари  
томонидан шахсий қўриқдан ўтказиш, ашёлар, қўл юки,  
багаж ва транспорт воситаларини кўздан кечириш  
ҚОИДАЛАРИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қоидалар Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари (кейинги ўринларда – бўлинма) ишчи ва хизматчилари томонидан қўриқланадиган обьектнинг (кейинги ўринларда – обьект) назорат-ўтказиш жойида обьект ходимлари ва ташриф буюрувчиларни шахсий қўриқдан ўтказиш ҳамда ашёлар, қўл юки, багаж ва транспорт воситаларини кўздан кечириш тартибини белгилайди.

2. Бўлинмалар обьектда шахсий қўриқдан ўтказиш ва кўздан кечириш хукуқига эга бўлган ваколатли тузилма ҳисобланади.

3. Ушбу Қоидаларда кўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**ашё** – муайян моддий қийматга эга бўлган ҳамда иқтисодий муносабатнинг предмети бўла оладиган, обьект ходимлари ва ташриф буюрувчилар томонидан ёки улардан алоҳида тарзда олиб кириладиган (олиб чиқиладиган) нарса;

**багаж** – обьект ходимларига ва ташриф буюрувчиларга тегишли бўлган, улардан алоҳида тарзда олиб кириладиган (олиб чиқиладиган) қадоқланган, ўралган буюмлар ва ашёлар;

**кўздан кечириш** – обьект ходимларига ва ташриф буюрувчиларга обьектнинг назорат-ўтказиш жойида ашёлар, қўл юки ва багаж шаклида олиб кириш (чиқиш) тақиқланган, ноқонуний аралашиш ҳаракатини содир этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлашга мўлжалланган тадбирлар комплекси;

**қўл юки** – ўз ўлчамига кўра обьектнинг назорат-ўтказиш жойларида обьект ходимлари ва ташриф буюрувчилар томонидан қийинчиликсиз олиб кирилиши (чиқилиши) мумкин бўлган, ўрашнинг тури ва хилидан қатъи назар, енгил ташиладиган буюмлар ва ашёлар;

**ноқонуний аралашиш ҳаракати** – обьектнинг барқарор фаолият кўрсатишини издан чиқаришга қаратилган, одамлар ҳаёти ва соғлиғига, обьектга моддий заарар етказадиган ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиш хавфини яратган ноқонуний ҳаракатлар ёки уринишлар;

**обьект ходими** – қўриқланадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахслар;

**ташриф буюрувчи** – объектга вақтинга (ўз ихтиёри ёки хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан) келган жисмоний шахс;

**шахсий кўрик** – объектнинг назорат-ўтказиш жойида бўлган жисмоний шахсга нисбатан ўтказиладиган тадбирлар комплекси;

**мансабдор шахс** – идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ваколати юклатилган, объект ходимлари ва ташриф буюрувчиларни шахсий кўриқдан ўтказиш ва кўздан кечириш ваколатига эга бўлган ишчи ва хизматчилари;

**шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар** – фуқаронинг биометрик паспорти ёки идентификация ID-картаси, ҳарбий гувоҳнома, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ҳайдовчилик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиши биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатлари.

## **2-боб. Шахсий кўриқдан ўтказиш тартиби**

4. Шахсий кўрик объектга олиб кириш (чиқиши) тақиқланган ашёларни объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар ёнида яширган деб тахмин қилишга асослар бўлганда, яширмоқчи бўлганда ва уларни ўз ихтиёри билан тақдим этиш сўралганда, тақдим этиш рад этилганда мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

5. Мансабдор шахс томонидан шахсий кўриқдан ўтказиш тўғрисида ёзма шаклда қарор қабул қилинади.

6. Шахсий кўриқдан ўтказишни бошлишдан аввал мансабдор шахс:

шахсий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларга эълон қилиши;

шахсий кўрик ўтказилаётганда объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда шахсий кўрикни амалга ошириш тартиби билан танишириши шарт.

7. Объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар шахсий кўрикни рад этган тақдирда, шахсий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги қарорга мансабдор шахс томонидан рад этилганлиги тўғрисида белги қўйилади ҳамда ушбу шахсларнинг объект ҳудудига киришига (худуддан чиқишига) йўл қўйилмайди.

8. Агар шахсий кўриқдан ўтказилаётган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар мансабдор шахснинг қонуний талабларини бажармаса ёки бажаришга қаршилик кўрсатса, ушбу ҳаракатлар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ушбу шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш учун асос бўлади.

9. Шахсий кўрик санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган алоҳида хонада бўлинманинг шахсий кўрикдан ўтказилаётган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар билан бир жинсдаги мансабдор шахс томонидан худди шу жинсдаги икки холис ҳозирлигига ўтказилади. Бошқа шахсларнинг бу хонага кириши ва шахсий кўрикдан ўтказишини кузатишига йўл қўйилмайди. Зарур холларда, шахсий кўрик ўтказилаётганда таржимон жалб қилинади.

Вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз ташриф буюрувчилар шахсий кўрикдан ўтказилаётганда уларнинг қонуний вакиллари ёки уларни кузатиб борувчи шахслар ҳозир бўлишга ҳақли.

10. Шахсий кўрик кўрикдан ўтказилаётган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар томонидан ўзида яшириб қўйилган ашёларни топиш учун зарур бўлган доирада ҳамда инсон шаъни ва қадр-қиммати камситилишини, унинг соғлиғи ва мол-мулкига зиён етказилишини истисно этадиган шаклда амалга оширилади.

11. Объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар шахсий кўрикдан ўтиш жараёнида куйидаги хукуқларга эга:

мансабдор шахснинг шахсий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинишини талаб қилиш;

ўз она тилидан фойдаланиш, шунингдек, таржимондан фойдаланиш;

ўз хукуқлари ва мажбуриятлари билан танишиш;

тушунтиришлар, илтимосномалар бериш;

шахсий кўрик баённомаси тузилгандан сўнг у билан танишиб чиқиш ва мазкур баённомага киритилиши лозим бўлган маълумотларни баён этиш;

мансабдор шахснинг шахсий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги қарори ва унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Шахсий кўрикдан ўтказилаётган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Шахсий кўрикдан ўтказилаётган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар мансабдор шахсларнинг қонуний талабларини бажаришлари шарт.

13. Шахсий кўрик натижалари бўйича белгиланадиган шаклда баённома тузилади ёки маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишлича ёзиб қўйилади. Баённома куйидагилар томонидан имзоланади:

шахсий кўрикни ўтказган мансабдор шахс;

холислар;

шахсий кўрикдан ўтказилган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар.

Шахсий кўрикдан ўтказилган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларга шахсий кўрик ўтказилганлиги тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхаси имзо қўйдирив тақдим этилади.

14. Шахсий кўриқдан ўтказиш ёки ашёларни кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳукуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар ва ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган органлар томонидан олиб қўйилади.

### **3-боб. Кўздан кечиришнинг умумий қоидалари**

15. Кўйидагилар кўздан кечиришда асосий принциплар ҳисобланади:  
кўздан кечиришда қонунчиликка қатъи риоя қилиш;  
ушбу Қоидалар талабларига риоя қилиш;  
кўздан кечирилаётган ашёлар, қўл юки, багажда ва автотранспорт воситасида обьектга олиб кириш (олиб чиқиши) тақиқланган моддий бойликлар ва буюмларни обьект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилардан белгиланган тартибда (вақтинча муддатга қайтариб бериш шарти билан ёки бутунлай) олиб қўйиш;  
қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Қоидалар талабларини бузувчи обьект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларни аниқлаш.

16. Кўздан кечириш қўйидагиларни назарда тутади:

кўздан кечиришдан ўтишнинг мақсадлари ва қоидаларидан, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларидан, шунингдек, обьектга ашёлар, қўл юки, багаж ва автотранспорт воситасида олиб кирилиши (чиқилиши) тақиқланган моддий бойликлар ва буюмлар ҳамда улар ноқонуний олиб кирилганлиги (чиқилганлиги) учун жавобгарлик тўғрисида обьект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларни хабардор қилиш;

махсус техник воситаларни зарурат бўлганда хизмат итларидан фойдаланган ҳолда ашёлар, қўл юки, багаж ва автотранспорт воситаларини пухта ва сифатли кўздан кечириш;

обьектга ашёлар, қўл юки, багаж ва автотранспорт воситасида олиб кирилиши (чиқилиши) тақиқланган моддий бойликлар ва буюмларнинг ноқонуний олиб кирилишини (чиқилишини) ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш;

кўздан кечирилган ва обьектга қўйилган обьект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларнинг кўздан кечиришдан ўтмаган обьект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар билан муомала қилишини истисно этиш;

обьектга кириш учун бериладиган рухсатномаларга эга бўлмаган обьект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларни обьект худудига қўймаслик.

17. Обьект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар ашёлари, қўл юки, багажи ва автотранспорт воситасини кўздан кечиришга тақдим этишни рад этган тақдирда, обьектга кириш учун бериладиган рухсатномаларга эга бўлишидан қатъи назар, уларнинг обьект худудига киришига (худуддан чиқишига) йўл қўйилмайди.

#### **4-боб. Кўздан кечириш ваколатига эга бўлган шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

18. Кўздан кечириши амалга оширувчи мансабдор шахслар қуйидаги хуқуqlарга эга:

объектга кирмоқчи бўлган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилардан ушбу Қоидалар талабларини сўзсиз бажаришни талаб қилиш;

объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилардан шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлари, автотранспорт воситаларида багаж ҳужжатлари мавжудлигини текшириш;

назорат-ўтказиш жойидан кираётган шахслардан кўздан кечириш жараёнида аниқланган, объектга олиб кирилиши (чиқилиши) тақиқланган ашёлар, қўл юки, багаж ва автотранспорт воситасидаги моддий бойликлар ва буюмларни мансабдор шахслар томонидан олиб қўйиш баённомаси тузилиб, унинг нусхасини объект ходимлари ва ташриф буюрувчиларга берган ҳолда, белгиланган тартибда олиб қўйиш;

заруратга кўра, ноқонуний аралашиб ҳаракатини ёки бошқа жиноий ҳаракатларни содир этиш ниятидаги объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар учун хос бўлган бир қанча ўзини тутиш белгилари бўйича потенциал хавфли шахсларни аниқлаш мақсадида кўздан кечирилаётганларни психологик сўраб чиқиш;

айрим шахслар томонидан курол-яроғ, ўқ-дориларни объектга кириб-чиқишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини назорат қилиш;

ноқонуний аралашиб ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида объектнинг бутун ҳудудини кўздан кечириб чиқиш.

19. Мансабдор шахслар кўздан кечириш давомида:

ушбу Қоидаларга, объект хавфсизлигини таъминлашга, объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хуқуqlарини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг бошқа нормалари талабларига қатъи риоя қилиши;

кўздан кечирилаётган ашёларнинг эгаларига нисбатан ҳушёр, эътиборли ва илтифотли муносабатда бўлиши ҳамда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

кўздан кечирилаётган ашёларнинг эгаларига ўзларида бўлиши мумкин бўлган ашёлар, қўл юки ва багажда объектга олиб кириши (чиқиши) тақиқланган моддий бойликлар ва буюмларни ихтиёрий равища кўрсатишни таклиф этиши;

ашёларни кўздан кечириш вақтида объект ходимлари ва ташриф буюрувчиларнинг асоссиз равища ушланиб қолишига йўл қўймаслиги;

қоида бузилишига барҳам бериш чораларини кўриши;

объект ҳудудига олиб кирилиши (чиқилиши) тақиқланган моддий бойликлар ва буюмларни аниқлашнинг зарур кўникмаларига эга бўлиши;

объектдаги табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларида тан жарохати олган объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларга биринчи ёрдам күрсатиш, махсус қутқарув хизматларини чақириш чораларини күриши;

қонунчилук хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузиш учун давлат органларига хабар бериши шарт.

#### 20. Кўздан кечириш натижасида:

объект худудига объект ходимлари ва ташриф буюрувчиларнинг ашёлари, қўл юки, багажи ва транспорт воситасида олиб кирилиши (чиқилиши) тақиқланган моддий бойликлар ва буюмлар олиб кирилиши мумкин бўлган ёки улар олиб кирилишига йўл қўйилган кўздан кечириш бўйича хизмат мажбуриятлари бажармаганлиги;

кўздан кечирилаётган ашёлар эгасининг шаъни ва қадр-қимматини камситишга олиб келган хизмат ваколатларидан четга чиқкан мансабдор шахслар қонунчилук хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

### 5-боб. Кўздан кечириш тартиби

21. Объект худудига киришдан олдин мансабдор шахслар томонидан назорат-ўтказиш жойида объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларнинг шахсини тасдиқлайдиган хужжатлари (объект худудига кириш хуқуқини берувчи хужжатлари) текширилади.

Объектга киришда (чиқишда) ҳар бир объект ходимлари ва ташриф буюрувчилар ашёлари, қўл юки, багажи ва автотранспорт воситасини кўздан кечиришга тақдим этган ҳолда кўздан кечиришдан ўтиши (заруратга кўра шахсий кўрикдан ўтказиши) керак.

22. Объект ходимлари ва ташриф буюрувчиларнинг ашёлари, қўл юки, багажи ва автотранспорт воситаси назорат-ўтказиш жойида кўздан кечирилади, хукуқбузарлик содир этиш ҳолатлари бундан мустасно.

23. Кўздан кечириш махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда, зарурат бўлганда – хизмат итларидан фойдаланиб қуийдаги изчилликда ўтказилади:

объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар ушбу объектнинг назорат-ўтказиш жойи орқали ўтадилар ҳамда уларга тегишли ашёлар, қўл юки, багаж ва автотранспорт воситасида объектга олиб кирилиши (чиқилиши) тақиқланган моддий бойликлар ва буюмлар тўғрисида маълумот бериш таклиф этилади;

ашёлар кўздан кечирилаётганда, объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларга кийимдаги мавжуд металл буюмларни (калитлар, фолгали кутилардаги сигаретлар, тангалар ва шу кабиларни) назарда тутилган идишга қўйиш ва турғун металл детектор орқали ўтиш таклиф этилади, металл буюмлар мавжудлиги тўғрисида сигнал тушган тақдирда, қўлда ишлатиладиган металл детектор қўлланилади, у бўлмаганда эса – визуал кўздан кечирилади, зарур ҳолларда ашёлар, қўл юки ва багаж махсус қўшимча ускунадан фойдаланган ҳолда кўздан кечирилади;

кўздан кечиришда объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларга ашёлар, қўл юки, багаж ва автотранспорт воситасида объектга олиб кирилиши (чиқилиши) тақиқланган моддий бойликлар ва буюмлар аниқланган тақдирда мансабдор шахслар тегишли чоралар кўриш учун дарҳол объект раҳбариятини ва ички ишлар органлари ходимини хабардор қиласди;

хажми катта буюмлар, объект ходимлари ва ташриф буюрувчиларнинг қўлидаги устки кийимлар ва уларнинг ичидаги нималар борлигини техник воситалар орқали аниқлаб бўлмайдиган ашёлар қўл ёрдамида текширилади;

қидирудаги шахсларни аниқлаш ва ушлаш мақсадида шубҳали ташриф буюрувчиларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлари қўшимча манбалардан ўрганилади;

техник сабабларга кўра интроскопдан ёки турғун металл детектордан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолатда, объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчилар, шунингдек, уларнинг ашёлари, қўл юки ва багажи қўлда ишлатиладиган металл детектор ёрдамида кўздан кечирилади.

24. Ашё ва қўл юки сифатида олиб кирилаётган майший мақсаддаги радиоэлектрон аппаратлар умумий асосларда кўздан кечирилади.

25. Фото ва видео аппаратлар махсус техник воситалар қўлланмасдан кўздан кечирилади.

26. Яширин олиб кириш (чиқиш) учун буюмлардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида ашёларни кўздан кечиришда:

уяли телефонлар ва шу каби электрон приборлар ишлаши текширилади;

фото ва видео аппаратларининг ғилофлари, жилдлари, қувватлантириш блоклари текширилади (аппаратни ўчириб-ёкиш, қувватлантириш блокларини очиш ушбу ашёлар эгаси томонидан амалга оширилади);

суюқликлар солинган идишлар ва термослар визуал кўздан кечириш орқали текширилади;

габаритига кўра махсус техник воситалар ёрдамида текшириб бўлмайдиган мусиқа асбоблари ғилофлари ва жилдлари очиб текширилади.

27. Юрак фаолиятини рағбатлантирувчи имплантация аппаратларига эга бўлган шахслар махсус техник воситалар қўлланилмасдан шахсий кўрикдан ўтказилади.

28. Кўздан кечириш тартиб-қоидаларидан ўтилгандан кейин объект ходимлари ҳамда ташриф буюрувчиларга (тақиқланган ашёлар йўқлиги аниқлангандан сўнг) уларнинг ашёлари, қўл юки ва багажи қайтарилади ёки маъмурий бинодан чиқиб кетишида олиб кетиш учун вақтинча муддатга сақлаш учун белгиланган жойда қолдирилади.

Тегишли рухсатномага эга бўлган ва хизмат вазифаларини бажарувчи хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бўлинма ишчи ва хизматчиларининг хизмат қуроли кўздан кечирилмайди. Бундай ҳолларда қурол мавжудлиги ушбу шахсларнинг тегишли ҳужжатларида кўрсатилади.

29. Кўздан кечиришдан ўтиш вақти объект ходимлари ва ташриф буюрувчиларнинг объектга кириб-чиқишидан кечикиши учун шартшароитлар яратмаслиги зарур.

Бунда кўздан кечириш вақтини қисқартириш мақсадида объект ходимлари ва ташриф буюрувчиларнинг ашёларини кўздан кечириш тартиб-қоидасини соддалаштиришга йўл қўйилмайди.

**6-боб. Махсус юклар, махсус почта ва соқчилар назорати остидаги шахсларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларни, ҳарбий хизматчилар, мерган спортчилар, овчилар, геологлар, қурол сақлаш ва ташиб ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларнинг ашёларини кўздан кечириш тартиби**

30. Объектнинг назорат-ўтказиш жойидан ўтадиган махсус юклар, махсус почта ва расмий хат-хабарлар ҳамда уларни кузатиб борувчи вазирлик ва идораларнинг қуролланган ходимлари, фельдегерлик ва махсус алоқа ходимлари, консуллик валезлари ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари асосида уларга тенглаштирилган, дипломатик макомга эга бўлган шахслар кузатувида келган хорижий муассасалар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин кўздан кечирилмайди ва ушлаб турилмайди.

31. Қуролланган ходимлар томонидан кузатиб келинган махсус юклар ва почтани ортиш, шунингдек, қуролланган ходимларни ва соқчилар назорати остидаги шахсларни объектга кириши (чиқиши) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

32. Объектга (объектдан) фельдегерлик ва махсус алоқа ходимлари олиб келган (олиб чиқаётган) махсус юклар ва махсус почтада объектга олиб кирилиши (олиб чиқилиши) тақиқланган ашёлар, буюмлар бўлмаслиги керак. Ушбу қоидалар бузилганлиги учун белгиланган тартибда фельдегерлик ва махсус алоқа ходимлари жавоб беради.

33. Объектга кириш учун тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, қурол сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқига эга бўлган мерган спортчилар, овчилар, геологлар ўзларига тегишли бўлган қурол-яроғ, ўқ-дорилар, ов пичоклари ва ракетницалар (сигнал берувчи пистолет) билан объект ҳудудига кираётганда (чиқаётганда), уларнинг қуроллари ўқсизлантирилган ва ғилоф кийдирилган бўлиши керак ҳамда магазинларда ўқ-дорилар бўлмаслиги зарур.

**7-боб. Яқунловчи қоида**

34. Ушбу Қоидалар талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “Г” ноябрдаги 30-сон қарорига  
4-илова

**Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик  
бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ўз мажбуриятларини  
бажаришига тўсқинлик қиласидиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар  
РЎЙХАТИ**

1. Юқумли ва паразитар касалликлар.
2. Нафас олиш аъзоларининг сил касаллиги.
3. Бошқа аъзолар ва тизимларнинг сил касаллиги.
4. Захм ва асосан жинсий йўл билан юқадиган, бошқа аниқланган касалликлар.
5. Микозлар.
6. Ўスマлар.
7. Хавфли ўスマлар (лимфа, қон ҳосил қилувчи ва уларга турдош тўқималарнинг ўスマлари бундан истисно).
8. Лимфа, қон ҳосил қилувчи ва уларга турдош тўқималарнинг хавфли ўスマлари.
9. Хавфсиз ўスマлар (бош ва орқа мия ўスマлари бундан истисно), *in situ* ўスマлар.
10. Қон, қон ҳосил қилувчи аъзоларнинг касалликлари ва иммун механизмини (тизимини) жалб қилувчи алоҳида бузилишлар.
11. Эндокрин тизими касалликлари, озиқланиш ва моддалар алмашинувининг бузилишлари.
12. Рухий ва хулқ-атвор бузилишлари.
13. Органик рухий бузилишлар.
14. Эндоген психозлар: шизофрения, шизотипик бузилишлар, шизоаффектив, васвасали, ўткир ва ўткинчи психотик бузилишлар ва аффектив бузилишлар (кайфият бузилишлари).
15. Симптоматик ва бошқа экзоген этиологияли рухий бузилишлар.
16. Стресс билан боғлиқ невротик ва соматик шаклдаги бузилишлар.
17. Шахс бузилишлари.
18. Рухиятга фаол таъсир этувчи воситаларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан рухий ва хулқ-атвор бузилишлари.
19. Ақлий қолоқлик (заифлик).
20. Асаб тизими касалликлари.

21. Эпилепсия ва эпилептик тутқаноқлар.
22. Марказий асаб тизимининг яллиғланишлари, миелинсизлантирувчи касалликлари ва уларнинг асоратлари.
23. Кўпроқ марказий асаб тизимини заарловчи тизимли атрофиялар, экстрапирамидал, бошқа асаб тизимининг дегенератив касалликлари, асаб-мушак синапс ва мушак касалликлари, болаларнинг церебрал фалажи, асаб тизимининг туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари), бош ва орқа мия ўスマЛАРИ.
24. Бош ва орқа миянинг томир касалликлари.
25. Бош ва орқа мия жароҳатланишлари ва уларнинг асоратлари. Ташқи таъсир омилларидан бўлган марказий асаб тизимининг заарланиш асоратлари.
26. Периферик нервлар касалликлари.
27. Периферик нервлар жароҳати ва асоратлари.
28. Ўткир касаллик, сурункали касалликнинг хуружидан, жароҳат ва жарроҳлик йўли билан даволанишдан кейинги марказий ва периферик асаб тизимлари фаолиятининг вақтинча бузилишлари.
29. Қовоқларнинг касалликлари ва шикастланиш оқибатлари.
30. Конъюнктива, кўз ёши йўллари, кўз косасининг касалликлари, жароҳатлар ва куйиш оқибатлари.
31. Кўз склераси, шоҳ пардаси, томирли пардаси, гавҳари, шишасимон танаси, тўр пардаси, кўриш нервининг касалликлари, жароҳатлари ва куйишлар асоратлари.
32. Кўз тўр пардасининг кўчиши.
33. Глаукома.
34. Кўз мушаклари касалликлари, икки кўзнинг ҳамкорликда баробар кўриш фаолияти бузилиши.
35. Рефракция ва аккомодациянинг бузилишлари.
36. Кўрлик, кўриш ўткирлигининг пасайиши, ранг ажратиш аномалиялари.
37. Ўткир касаллик, сурункали касалликнинг хуружлари, жароҳат ёки жарроҳлик амалиётидан кейинги кўриш аъзолари фаолиятининг вақтинча бузилишлари.
38. Қулоқ ва сўргичсимон ўсиқ касалликлари.
39. Ташқи қулоқ (шу жумладан туғма) касалликлари.
40. Ўрта қулоқ ва сўргичсимон ўсиқ касалликлари.
41. Организм вестибуляр қобилиятининг бузилиши.
42. Карлик, кар-соқовлик, эшитиш қобилиятининг пасайиши.

43. Ўткир касаллик, сурункали касаллик хуружлари, жароҳат ёки жарроҳлик амалиётидан кейинги қулок ва сўрғиҳисимон ўсиқ фаолиятининг вақтинча бузилишлари.
44. Қон айланиш тизими касалликлари.
45. Ревматизм, юракнинг бошқа ревматик ва ревматик бўлмаган (шу жумладан туғма) касалликлари.
46. Гипертония (хафақонлик) касаллиги.
47. Юракнинг ишемик касаллиги.
48. Аорта, периферик йирик артерия, вена ва лимфа томирлари касалликлари, ривожланишнинг туғма аномалиялари ва шикастланишлар асоратлари.
49. Геморрой (бавосил).
50. Нейроциркулятор астения.
51. Ўткир касаллик, сурункали касаллик хуружи, жароҳат ёки жарроҳлик амалиётидан кейинги қон айланиш тизими фаолиятининг вақтинча бузилишлари.
52. Нафас олиш аъзолари касалликлари.
53. Бурун бўшлиғи, буруннинг ёндош бўшлиқлари ва ҳиқилдоқ касалликлари.
54. Ҳиқилдоқ ва трахеянинг бўйин қисми касалликлари ва шикастланишлари.
55. Нафас олиш аъзоларининг бошқа касалликлари (шу жумладан туғма).
56. Бронхиал астма.
57. Ўткир касаллик, сурункали касаллик хуружи, жароҳат, жарроҳлик амалиётидан кейинги нафас олиш аъзолари фаолиятининг вақтинча бузилишлари.
58. Тишларнинг ривожланиши ва чиқиш илдизидаги бузилишлар, тишнинг қаттиқ тўқималари ва юмшоқ қисми касалликлари.
59. Периапикал тўқималар, милклар ва пародонт, сўлак безлари, оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималари, тилнинг (шу жумладан туғма) касалликлари.
60. Юз-жағ аномалиялари, нуксонлари, шакл ўзгаришлари, жароҳат асоратлари, бошқа касалликлар ва тишларнинг таянч воситаларидағи ўзгаришлар, жағларнинг касалликлари.
61. Қизилўнгач, ичакларнинг (ўн икки бармоқли ичакдан ташқари) ва қорин парданинг (шу жумладан туғма) касалликлари.
62. Меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги.
63. Меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг бошқа касалликлари, жигарнинг, ўт қопининг, ўт ажратиш йўллари ва меъда ости безининг касалликлари.
64. Чурралар.

65. Ўткир касаллик, сурункали касалликларининг хуружлари ёки жарроҳлик амалиётидан кейинги овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятининг вақтинча бузилишлари.
66. Тери ва тери ости қавати сурункали, тизимли касалликлари.
67. Тери ва тери ости қаватининг ўткир касалликлари асоратлари ва сурункали касалликларининг қайталанишидан кейин фаолиятнинг бузилиши.
68. Суяк-мушак тизими ва биритиравчи тўқималарнинг касалликлари.
69. Юқумли, яллиғланиш, атоиммун ва бошқа сабаблардан келиб чиқсан артритлар ва артропатиялар, биритиравчи тўқиманинг тизимли касалликлари.
70. Суяклар, йирик бўғимлар, тоғайларнинг жарроҳлик касалликлари ва заарланиши.
71. Умуртқанинг касалликлари ва уларнинг асоратлари.
72. Кафтнинг, бармоқларнинг шакл ўзгаришлари ва умуман йўқлиги.
73. Яссиоёқлилик, оёқ панжасининг бошқа шакл ўзгаришлари ва бармоқлари нуқсонлари.
74. Оёқ-қўлнинг фаолиятини ўзгартиравчи ва (ёки) хизмат кийимлар, оёқ кийимлар кийишни ва камарлар тақишини қийинлаштиравчи туғма ва орттирилган шакл ўзгаришлари.
75. Оёқ ёки қўлнинг йўқлиги.
76. Жинсий ва сийдик чиқариш аъзолари касалликлари.
77. Буйракларнинг сурункали касалликлари.
78. Буйрак ва сийдик тоши касаллиги.
79. Сийдик чиқариш йўлларида сийдик чиқаришнинг бузилиши (гидронефроз), пиелонефрит (иккиламчи), буйрак ва сийдик чиқариш йўлларининг бошқа касалликлари, қовуқнинг яллиғланиши ва бошқа касалликлари, таносил касалликларига алоқаси бўлмаган уретрит, сийдик чиқариш йўлининг торайиши ва унинг бошқа касалликлари.
80. Эркакларнинг жинсий аъзолари касалликлари (шу жумладан туғма).
81. Аёлларнинг жинсий аъзолари сурункали яллиғланишлар билан кечадиган касалликлари.
82. Эндометриоз.
83. Генитал пролапс, сийдикни тута олмаслик, оқмалар, аёллар жинсий аъзоларининг бошқа яллиғланишсиз кечадиган касалликлари (шу жумладан туғма бўлган).
84. Ҳайз кўриш фаолиятининг бузилишлари.

85. Ўткир касаллик, сурункали касалликнинг хуружи ёки жарроҳлик амалиётидан кейинги сийдик чиқариш ва жинсий аъзоларнинг фаолиятининг вақтинча бузилишлари.
86. Ҳомиладорлик, туғищдан кейинги давр ва унинг асоратлари.
87. Жароҳатлар, заҳарланишлар ва бошқа ташқи омиллар таъсири оқибатлари.
88. Бош суюклари жароҳат ва жарроҳлик амалиётидан кейинги нуқсонлари.
89. Умуртқа поғонаси, гавда, оёқ ва қўллар суюклари синиқларининг асоратлари (чаноқ суюклари, қурак, ўмров, тӯш, қовурғалар, елка, тирсак ва билак, сон суяги бўйинчаси ва сон, кичик ва катта болдир, тизза қопқоғи суяги ва бошқа суюкларининг синиқлари).
90. Кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи ва чаноқ ички аъзоларининг жароҳатлари (жароҳат туфайли юзага келган пневмо ва гемоторакс, юрак, ўпка, меъда ичак йўли, жигар, талоқ, буйраклар, чаноқ аъзолари, қорин бўшлиғининг бошқа аъзолари жароҳатлари, кўп тармоқли оғир жароҳатлар), юқорида қайд этилган аъзоларнинг касалликлари туфайли ўтказилган жарроҳлик амалиётлари асоратлари.
91. Тери ва тери ости қавати тўқималарининг жароҳатлари асоратлари.
92. Дори, тиббий ва биологик воситалар билан заҳарланиш, тиббиётга дахли бўлмаган моддаларнинг токсик таъсири, ташқи омилларнинг таъсири (радиация, паст ёки юқори ҳарорат ва ёруғлик, ҳавонинг ёки сувнинг ортиқча босими ва бошқалар).
93. Суяк-мушак тизимининг, бириктирувчи тўқиманинг, тери ва тери ости қаватининг касалликларидан даволанишдан кейин, жароҳатлар, заҳарланишлар ва ташқи омилларнинг бошқа таъсирларидан кейинги фаолиятининг вақтинча бузилишлари.
94. Жисмоний ривожланиш етишмовчилиги.
95. Сийдик тутолмаслик (энурез).
96. Нутқнинг бузилиши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “I” ноябрдаги 630-сон қарорига  
5-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, саклаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 6 майдаги 213-сон қарорининг 2-банди саккизинчи хатбошисидаги “ҳарбийлаштирилган соқчилик” сўзлари “идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш” сўзлари билан алмаштирилсин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва саклаш ишлари таснифининг 31-банди учинчи хатбошисидаги “соқчилик” сўзи “қўриқлаш” сўзи билан алмаштирилсин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

12-банднинг “б” кичик бандидаги “ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги” сўзлари “идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлашдаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банднинг “в” кичик бандидаги “ҳарбийлаштирилган соқчиликда” сўзлари “идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлашда” сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 16 декабрдаги 757-сон қарорида:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

тоифаланган объектларни, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини, уларнинг мол-мулкини қўриқлаш учун тузиладиган шартномаларга асосан қўриқлаш хизматларини кўрсатиш эвазига тушадиган маблаглар ҳисобидан идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби;

идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан тоифаланган объектларни, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини, уларнинг мол-мулкини қўриқлаш бўйича қўрсатиладиган қўриқлаш хизматларининг турлари;

идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг ишчи ва хизматчи лавозимлари, тоифалари ҳамда штатларини ташкил этиш, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига ишга кирадиган номзодларга қўйиладиган талаблар, уларни ишга қабул қилиш, бошланғич тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби;

идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, хизматга тўғри тақсимлаш ва назорат қилиш тартиби;

идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг молиявий ва моддий-техник таъминотини ташкил этиш тартиби”;

в) илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 16 декабрдаги 757-сон қарорига  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош  
бошқармасининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган  
ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан  
тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (кейинги ўринларда – Миллий гвардия) Қўриқлаш бош бошқармасининг таркибида идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда ушбу бўлинмалар ишчи ва хизматчиларининг хукуqlари ва мажбуриятларини, бўлинмаларнинг молиявий ва моддий-техник таъминотини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармасининг (кейинги ўринларда – Кўриқлаш бош бошқармаси) идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари шахсий таркиби меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ишчи ва хизматчилардан иборат бўлади.

3. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг кўриқлаш фаолияти ушбу Низом, Миллий гвардиянинг ички идоравий ҳужжатлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**2-боб. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш**

4. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари Кўриқлаш бош бошқармасининг ваколатлари доирасида ўта муҳим ҳамда тоифаланган объектларни, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини кўриқлаш учун тузиладиган шартномаларга асосан кўриқлаш хизматларини кўрсатиш эвазига тушадиган маблағлар ҳисобидан Кўриқлаш бош бошқармаси бошлиғининг буйруғи асосида ташкил этилади.

5. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан куйидаги хизматлар кўрсатилади:

а) идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари томонидан:

объект ёки унинг бир қисмида хизмат ўташ учун белгиланган жой ёки худуд (кейинги ўринларда – қўзғалмас пост (йўналиш)) орқали кўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш;

пиёда ёки транспорт воситасида, шунингдек, бошқа воситаларда муайян худуддаги объектларни ёки уларнинг худудларини йўналиш бўйлаб кўриқлаш;

б) идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан – қўзғалмас пост (йўналиш) орқали объект ёки унинг бир қисмини кўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш.

6. Куйидагилар идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўта муҳим ҳамда тоифаланган объектларни, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳамда объектларини тажовузлардан ҳимоя қилиш;

юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларида назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш;

қўриқланадиган объектлар худудида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш;

қўриқланадиган объектларда табиий ва техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда иштирок этиш;

объектларнинг хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юкландиган вазифаларни ҳал этишда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиш.

Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг лавозимлари, тоифалари ҳамда штатлари мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ташкил этилади.

8. Объектларни қўриқлаш бўйича ишчи ва хизматчиларнинг фаолиятини ташкил этиш, хизматга тўғри тақсимлаш ва назорат қилиш учун мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари гурухлари тузилади.

9. Объектларни қўриқлаш учун қўзғалмас постлар (йўналишлар)ни қўйиш қоидалари ва шартлари, шунингдек, уларнинг фаолиятини назорат қилиш тартиби Миллий гвардиянинг ички идоравий ҳужжатларига асосан белгиланади.

10. Объектнинг жойлашуви, унинг ва хизматни ўташнинг ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари нарядларининг хизмати суткалик ва вахта усулида ташкил этилиши мумкин.

Вахтанинг давомийлиги етти суткагача белгиланади ва бунда нарядларнинг хизматни ўташи тартиби Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Гарнizon ва қоровуллик хизмати тўғрисидаги низомга асосан ишлаб чиқилган ва Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланган йўриқномага мувофиқ ташкил этилади.

Вахта усулида хизмат ташкил этилганда ишчи ва хизматчиларнинг дам олиши, овқатланиши, ювениши ва улар билан ўқув машғулотларини ўтказиш, уларнинг табель қуролларини сақлаш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт.

11. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланган намунадаги формали кийим-бош ва хизмат гувоҳномалари билан таъминланади.

12. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан фойдаланиладиган хизмат қуроллари, уларнинг ўқ-дорилари ва маҳсус воситалар турлари, уларнинг сони, таъминлаш ва фойдаланиш тартиби қонунчилик хужжатларига мувофиқ белгиланади.

**3-боб. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига ишга қабул қилиш, ишчи ва хизматчиларни бошланғич тайёрлаш ва қайта тайёрлаш**

13. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларига ихтиёрий тартибда танлов асосида, белгиланган талабларга жавоб берадиган ўн саккиз ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган, шу жумладан, йигирма беш ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иш (хизмат)га қабул қилинади.

Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига ихтиёрий тартибда мазкур низомда белгиланган талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иш (хизмат)га қабул қилинади.

Қабул қилинадиган фуқаролар камида умумий ўрта ёки ўрта маҳсус маълумотга эга бўлиши, соглигининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлиши лозим.

Эркак номзодлар Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервиде ҳарбий хизматни ўтаган бўлиши керак.

14. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари бошликлар таркибига Миллий гвардия ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларда самарали хизмат қилиб, нафақага бўшаган номзодлар сухбат асосида, жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги ҳолатига кўра ишга қабул қилиниши мумкин.

15. Номзодлар билан танлов ўтказиш, уларнинг хужжатларини расмийлаштириш ва ишга қабул қилиш тартиби ҳамда номзодларга қўйиладиган маҳсус талаблар Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади. Қабул қилинган шахсларга уч ойдан ортиқ бўлмаган дастлабки синов муддати белгиланади.

16. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларига қабул қилишда номзодларнинг бўй ўлчами куйидаги маҳсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади:

- а) эркак номзодлар учун 178 сантиметрдан паст бўлмаслиги;
- б) аёл номзодлар учун 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги.

Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига қабул қилинадиган номзодларга антропометрик параметрлар белгиланмайди.

17. Куйидаги шахсларнинг иш (хизмат)га қабул қилинишига йўл қўйилмайди:

қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

жиноий жазони ўтаётган шахслар;

мулкка тажовуз қилувчи хукуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган, шунингдек, жамоат тартибига ёки бошқарувнинг белгиланган тартибида тажовуз қилувчи хукуқбузарликларни содир этганлик учун бир йил ичida такроран маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар;

рухий касалликлари бўлган, наркологик касалликларга чалинган, шунингдек соғлиғининг ҳолатига нисбатан белгиланган талабларга жавоб бермайдиган шахслар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

давлатнинг бошқа хизматларидан салбий сабабларга кўра бўшатилган;

ўзи ва яқин қариндошлари тўғрисида била туриб нотўғри маълумотлар тақдим қилганлиги аниқланган;

оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлар;

номзод ва яқин қариндошлари бўйича белгиланган хужжатларни тақдим этишдан бош тортганлар;

умумий ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган шахслар;

чет эл фуқаролари бўлган шахслар.

18. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган фуқаролар ҳудудий тиббиёт бирлашмаларида тиббий қўриқдан ўтади. Тиббий қўриқдан ўтиш шартлари ва уни ташкил этиш тартиби, номзодларнинг соғлиғига бўлган талаблар Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади.

19. Танлов якунига кўра энг юқори натижаларга эришган номзод билан номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузилади. Меҳнат шартномасида ходим бошланғич тайёрлашга жалб этилиши ва белгиланган тартибда ўқув курсини муваффақиятли тамомлаб сертификат олган тақдирда, меҳнат муносабатлари давом эттирилиши, акс ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги қоида назарда тутилади.

20. Ишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мажбурий тартибда бошланғич тайёргарликдан ўтади.

Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларини бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Миллий гвардиянинг таълим муассасаларида амалга оширилади.

21. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари маҳсус ўқув дастурлари бўйича маҳсус тайёргарлиқдан (маънавий-психологик, хизмат тайёргарлигидан, жисмоний ва жанговар тайёргарлиқдан) ўтади. Машғулотлар ўтказиладиган вақт иш вақтига киритилади.

22. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг шахсий таркиби билан маҳсус дастурлар асосида қуйидаги тартибда хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотлари ўтказилади:

идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларида – ойига 8 академик соат (ўқув йилида 80 академик соат);

идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларида – ойига 4 академик соат (ўқув йилида 40 академик соат).

23. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари йилда бир марта мажбурий тиббий қўриқдан ўтади. Маҳсус тайёргарлиқдан, шунингдек, жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ҳамда хизмат куролини қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш учун даврий текширувлардан (кейинги ўринларда – синов) ўтиши керак. Маҳсус тайёргарлиқдан ўтган ишчи ва хизматчиларга белгиланган намунаидаги сертификатлар берилади. Синовларни ўтказиши тартиби Миллий гвардия кўмондони томонидан белгиланади.

Синов натижалари бўйича қониқарсиз баҳоланган идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг малакаси етарли эмас деб ҳисобланиб, жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ҳамда хизмат куролини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа лавозимга меҳнат шартномасига мувофиқ ўтказилади ёки улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

24. Қўриқлаш бош бошқармаси психологлари томонидан тузилган дастур (режа, жадвал)ларга асосан идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчилари билан маънавий-психологик тайёргарлик босқичма-босқич, мақсадли ва доимий равишида ўтказилади.

**4-боб. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

25. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари хизматни ўташ вақтида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жисмоний ва юридик шахслардан белгиланган назорат-ўтказиши ва объектнинг ички режимларига, шунингдек, жамоат тартибига риоя этишини талаб қилиш;

кўриқланадиган объект ҳудудидан мол-мулкни қонунга хилоф равища олиб чиқишга ёки кўриқланадиган объектга тақиқланган предметларни олиб киришга уриниш чоғида шахсларни ушлаш;

кўриқланадиган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шароитларини, кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳолатини ҳамда созлигини текшириш, аниқланган қоидабузарликларнинг, камчиликларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

кўриқланадиган объектга қонунга хилоф равища кирган ёки кўриқланадиган объектда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг шахсини аниқлаш, уларни ушлаш ҳамда қўриқлаш хизмати хонасига етказиш (бундай ваколатлари мавжуд бўлмаганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини чақириш);

муомалада бўлиши чекланган моддалар, шу жумладан, объектга олиб кириш (ундан олиб чиқиш) учун тақиқланган предметлар рўйхатига кўриқланадиган объект маъмурияти томонидан киритилган моддалар бор деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказиш, уларнинг ашёлари, қўл юки, багажини кўздан кечириш ҳамда уларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур предметлар, воситалар ва моддаларни олиб қўйиш, шунингдек, транспорт воситаларини кўздан кечириш, уларда ташилаётган юкларнинг илова қилинадиган ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;

кўриқланадиган объектдаги, патруллик йўналишидаги ҳодисани, содир этилган ҳуқуқбузарликни белгиланган тартибда расмийлаштириш, жиноят изларини сақлаш мақсадида фуқаролардан ҳодиса жойини тарк этишини талаб қилиш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига, атроф муҳитга зарар етказмайдиган кўриқлаш техник воситаларидан фойдаланиш;

кўриқланадиган объектларга қонунга хилоф равища кирган ёки киришга уринган шахсларни аниқлаш учун, шунингдек, бундай киришларнинг олдини олиш мақсадида хизмат (кўриқчи) итларидан фойдаланиш;

қонунчиликда назарда тутилган тартибда хизмат қуролини ҳамда маҳсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, жисмоний куч ишлатиши.

Кўриқлаш бўлинмаларининг хизматни меҳнат шароитлари соғлиқ учун заарли бўлган объектларда ўтайдиган ишчи ва хизматчилари ушбу кўриқланадиган объектларнинг ишчи ва хизматчилари учун назарда тутилган меҳнат соҳасидаги қўшимча имтиёзлардан ҳамда афзалликлардан фойдаланади. Мазкур имтиёзлар кўриқлаш хизматларини қўрсатиш тўғрисидаги шартномада акс эттирилади ва устувор шартлар сифатида белгиланиши мумкин.

Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳукуқлардан ҳам фойдаланадилар.

26. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари қўриқлаш тури, шакллари ва усулларидан қатъи назар, хизматни ўташ жараёнида қўйидагиларга мажбур:

объектларни қўриқлаш ва қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиш, белгиланган тартибга ва қўриқлаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этиш, мол-мулкини қўриқлаш ва уни кузатиб бориш;

ўз ваколатлари доирасида давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, шунингдек фуқаролар ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўриш;

хизматни ўташ жойларида жамоат тартибини сақлаши, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш;

қўриқланадиган объектда шубҳали буюм аниқланганда ваколатли органларга хабар бериш, ваколатли орган ходимлари етиб келгунига қадар шубҳали буюмнинг дахлсизлигини таъминлаш;

қўриқланадиган объектда ҳукуқбузарликлар ва ҳодисаларнинг, шу жумладан, жиноят, маъмурий ҳукуқбузарликларнинг излари сақланишини таъминлаш;

ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек, ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиш ёки шундай ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга уларга юклangan вазифаларни ҳал этишда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиш;

қўриқланадиган объектлардаги табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш;

қўриқланадиган объектда назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларига риоя этилишини қўриқланадиган объект маъмурияти томонидан қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан келишувга кўра тасдиқланган қоидаларга мувофиқ таъминлаш;

ўзига ишониб топширилган хизмат қуролининг ва унинг ўқ-дориларининг, маҳсус ва техник воситаларнинг, шахсий ҳимоя воситалари ҳамда мол-мулкнинг хавфсиз ва лозим даражада сақланишини таъминлаш;

белгиланган тартибда маҳсус формали кийим-бош кийиш ва фарқловчи белгиларини тақиб юриш;

қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзларига маълум бўлган хизматга доир ахборот ва бошқа ахборотнинг махфийлигини таъминлаш.

Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

27. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда куйидагилар тушунилади:

лавозим мажбуриятларини бажариш;

хизматни ўташ;

хизмат сафарида бўлиш;

кун тартибида белгиланган иш вақти давомида ёки хизмат зарурати туфайли қўриқлаш бўлинмалари (қўриқлананаётган обьект) худудида бўлиш;

хизмат жойига бориш ёки улардан қайтиш;

ўкув йигинларида иштирок этиш;

суд томонидан ишчи ва хизматчиларининг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа ҳаракатлари.

28. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари давлат органи вакили ҳисобланади.

29. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларидан фақат қўриқлаш фаолияти билан боғлиқ вазифаларни бажариш мақсадида шартнома асосида фойдаланилади.

**5-боб. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг молиявий ва моддий-техник таъминоти, ишчи ва хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси**

30. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари иш ҳақи ва бепул формали кийим-бош билан таъминланади. Уларнинг моддий-техник таъминоти нормалари ва формали кийим-бошни кийиш қоидалари Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади.

Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчилари юқори касбий тайёргарлик даражасига ва фаолиятида самарали натижаларга эришганлиги учун ҳар йили Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланган тартибда “учинчи малака тоифаси”, “иккинчи малака тоифаси”, “биринчи малака тоифаси” малака тоифалари берилади.

Малака тоифасига эга бўлган идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларига уларнинг лавозим маошига нисбатан қуйидаги микдорларда ҳар ойлик устамалар тўланади:

“учинчи малака тоифаси” – 10 %;

“иккинчи малака тоифаси” – 15 %;

“биринчи малака тоифаси” – 20 %.

31. Қўриқлаш бош бошқармасининг шаклланадиган пул таъминоти жамғармаси доирасида идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларига:

ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра лавозим маошлирига қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда оширилган коэффициентлар қўлланилади;

бир йилда бир марта икки ойлик лавозим маоши микдорида рағбатлантирилади;

бир йилда бир марта бир ойлик лавозим маоши микдорида моддий ёрдам қўрсатилади.

32. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари қонунчилик хужжатларида белгиланган ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

33. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари меҳнат фаолияти давомидаги баҳтсиз ҳодисалар ва касбий касалликларидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда давлат мажбурий ижтимоий суғуртаси қилиниши лозим.

34. Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари хизмат вазифаларини бажариш чоғида жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда, етказилган зарар тегишли жамоа шартномалари ва жамоа келишувларига мувофиқ амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган нормалардан кам бўлмаган тартибда қопланади.

35. Қўриқланаётган обьектлар маъмурияти ўз хизмат вазифасини виждонан бажараётган идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларини рағбатлантириши ва мукофотлаши мумкин.

## 6-боб. Яқунловчи қоида

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Қўриқлаш бош бошқармасининг идоравий жиҳатдан  
тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш  
бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган  
коровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган  
қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг лавозимлари,  
тоифалари ҳамда штатлари**  
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Лавозим номлари                                      | Тоифаси      | Штат сони   |
|-----|--|--------------|---|
| 1.  | Отряд бошлиғи  | Катта бошлиқ | Тузилган шартномаларга асосан ажратилган штат бирликлари сони 76 бирликдан ошганда киритилади.  |
| 2.  | Отряд бошлиғи ўринбосари                             |              | Тузилган шартномаларга асосан ажратилган штат бирликлари сони 16 бирликдан 75 бирликкача бўлганда киритилади.   |
| 3.  | Отряд бошлигининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси   |              |   |
| 4.  | Алоҳида команда ва отряд таркибидаги команда бошлиғи |              |   |
| 5.  | Отряд (команда) қоровул итлари инструктори           | Ўрта бошлиқ  | Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди (командаси) таркибидаги мавжуд 7 бирлик кинолог штат лавозимига 1 бирлик қоровул итлари инструктори киритилади.        |
| 6.  | Отряд (команда) старшинаси                           |              | Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди (командаси) иш ҳажми ва хизмат заруратига мувофиқ 1 бирлик киритилади.   |
| 7.  | Коровул бошлиғи                                      | Кичик бошлиқ | Тузилган шартномаларга асосан ажратилган штат бирликлари 16 бирликдан ошганда кейинчалик ҳар 25 бирлик учун киритилади.   |
| 8.  | Гурух бошлиғи  |              | Тузилган шартномаларга асосан ажратилган штат бирликлари сони 6 бирликдан 15 бирликкача бўлганда киритилади.  |
| 9.  | Рухсатномалар бюроси бошлиғи                         |              | 3 бирлик рухсатномалар бюроси навбатчиси бўлганда киритилади.   |
| 10. | Рухсатномалар бюроси навбатчиси                      |              | Рухсатномалар бюроси ташкил этилган назорат-ўтказиш пунктларида 3 бирлик рухсатномалар бюроси навбатчиси киритилади.  |
| 11. | Кинолог  | Оддий таркиб | Тузилган шартномаларга асосан хизмат фаолиятида фойдаланилаётган ҳар бир қоровул ити учун идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш штати ҳисобида 1 бирлик киритилади. |
| 12. | Назоратчи  |              | Қўриқлаш вақти ҳисоби ва тўлов сметасига мувофиқ киритилади.  |
| 13. | Ўқчи   |              | Қўриқлаш вақти ҳисоби ва тўлов сметасига мувофиқ киритилади.  |

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Қўриқлаш бош бошқармасининг идоравий жиҳатдан  
тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш  
бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган  
коровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган  
қўриқлаш бўлинмалари гуруҳлари  
РЎЙХАТИ**

| T/p | Гуруҳлар          | Штат сони                 |
|-----|-------------------|---------------------------|
| 1.  | Гуруҳ             | 1 – 15 бирлик             |
| 2.  | 3-гуруҳ командаси | 16 – 35 бирлик            |
| 3.  | 2-гуруҳ командаси | 36 – 50 бирлик            |
| 4.  | 1-гуруҳ командаси | 51 – 75 бирлик            |
| 5.  | 3-гуруҳ отряди    | 76 – 200 бирлик           |
| 6.  | 2-гуруҳ отряди    | 201 – 350 бирлик          |
| 7.  | 1-гуруҳ отряди    | 351 бирлик ва ундан ортиқ |

**Изоҳ.**

*Тузилган шартномаларга асосан ажратилган штат бирликлари сонига мувофиқ  
гуруҳлар белгиланаади.*

*Идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш  
бўлинмаларининг гуруҳларини ўзгартириши ва унга асосан меҳнатга ҳақ тўлашини белгилани  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан  
амалга оширилади”.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “1” ноябрдаги 630сон қарорига  
б-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

- 1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳакида” 2012 йил 1 мартдаги 60-сон қарори.
- 2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Кўриқлаш ва назорат-лицензия фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 9 июлдаги 568-сон қарорига илованинг 7-банди.
- 3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қурол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон қарорига 3-илованинг 10-банди.
- 4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 279-банди.

